

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Ш.Норов	
Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати қонунчилигининг тарихий шаклланиши.....	79
К.Тошов	
Иккинчи жаҳон уруши йилларида сурхон воҳаси меҳнаткашларининг фронт ортидаги фаолияти	84
Г.Эгамбердиева	
Ўзбекистонда туризм соҳасини ислоҳ қилиш бошқичлари (XX асрнинг иккинчи ярми – XXI асрнинг биринчи чораги)	89
И.Ғуломов	
1926 йили Ўзбекистон ССР аҳолисини рўйхатга олиш тадбирининг якунлари айрим рақамларда	94

АДАБИЁТШУНОСЛИК

О.Туйчиева	
«Жавоҳир ул-ажойиб» аёлларга аталган илк тазкира сифатида	99
З.Яхшиева	
Тетралогияда тарихий ҳақиқат ва пафоснинг уйғунлиги.....	103
Ф.Икромхонова	
АҚШ адабиётида тарихий асарнинг шаклланиши	107
О.Дадажонов	
Жадид драмасида таълим-тарбия масаласи ва қаҳрамон талқини	111

ТИЛШУНОСЛИК

С.Хашимова	
Хитой тилида редупликатив феълларнинг маъноси ва қўлланилиш хусусиятлари.....	114
О.Бегимов	
Жанубий Ўзбекистон орообъектларининг номланишида диний тушунча ва тасаввурларнинг мотивланиши.....	119
З.Акбарова	
Олам лисоний манзарасига доир қарашлар таҳлили	124
Г.Ҳакимова	
Инглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг семантик таҳлили ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари	129
У.Раҳмонов	
Инглиз тилида ҳақоратни ифодаловчи эмоционал сўзлар таҳлили.....	133
А.Уралов	
Морфемалар тизимида аффиксоидлар масаласи	138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Л.Аҳмедова	
Олий таълим жараёнида инглиз тилини ўқитишда ўйин методлари: назария ва амалиёт	143
С.Сидиков, Г.Сидикова, А.Қосимов	
Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг моторли хусусиятларини ривожлантиришда акцентланган дарсларининг самарадорлиги	150

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Юкланган Бернулли тенгламаси учун интеграл шартли масала.....	155
О.Ахмаджонова	
Бессел-Клиффорд функцияларининг баъзи умумлашмалари ва уларнинг хоссалари	160
К.Ражапов, И.Хомидов	
Муаммоли геометрик масалаларни алгебраик тенгламалардан фойдаланиб ечиш	163

УДК: 811. 512.133'373. 811.512.133'276.6:63

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ОРООБЪЕКТЛАРИНИНГ НОМЛАНИШИДА ДИНИЙ
ТУШУНЧА ВА ТАСАВВУРЛАРИНИНГ МОТИВЛАНИШИ

МОТИВАЦИЯ РЕЛИГИОЗНЫХ ПОНЯТИЙ И ПРЕДСТАВЛЕНИЙ В НОМИНАЦИИ
ОРООБЪЕКТОВ ЮЖНОГО УЗБЕКИСТАНА

MOTIVATIONS OF RELIGIOUS CONCEPTS AND IDEAS IN NOMINATION OF
OROBJECTS OF SOUTH UZBEKISTAN

О.Бегимов

Аннотация

Орообъектларнинг номланишида диний эътиқод ва тушунчалар, муқаддас, илоҳий деб қаралган нарса, воқеа-ҳодисалар ўзига хос мотивация вазифасини бажариб келади. Мақолада шундай ҳодисалар Жанубий Ўзбекистон оронимлари мисолида тадқиқ этилган.

Аннотация

При номинации орообъектов, религиозные верования и понятия, предметы и явления, считающиеся священными, божественными, выполняют своеобразную мотивационную задачу. В статье рассматриваются подобные явления на примере оронимов Южного Узбекистана.

Annotation

When nominating the oroobjects the religious beliefs, concept, objects and phenomena considered sacred, divine and exhibit a peculiar motivational feature. The article discusses similar phenomena in the examples of the oronims of Southern Uzbekistan.

Таянч сўз ва иборалар: ороним, тоғ, баландлик, тепа, диний эътиқод, урф-одат, муқаддас, сиғиниш, илоҳий.

Ключевые слова и выражения: ороним, гора, возвышенность, холм, религиозные верования, обычаи и обряды, святой, поклонение, божественный.

Keywords and expressions: oronim, mountain, height, hill, religious beliefs, customs and rites, saints, worship, divine.

Тарихий моддий ва ёзма манбалардан маълумки, одамлар қадим замонлардан, яъни диний тасаввурлар пайдо бўлган даврлардан бошлаб, тоғларни ҳам муқаддас, илоҳий куч-қудратга эга, деб тушунишган ва уларга сиғиниб келганлар. Бу ҳодиса тоғли ҳудудларда яшаган халқларда айниқса кенг тарқалган. Шу сабабли тоғларни илоҳийлаштириш, яъни тоғ култи орографик объектлар номланишида ҳам ўз аксини топган.

Тоғ (шунингдек, тепалик, баландлик ва бошқалар) – бу, ер билан осмонни бир-бирига боғлайдиган, тоғ ҳақидаги тасаввурларни иккилантириб кўрсатадиган, яъни бир томондан эзгуликни ўзида акс эттирувчи илоҳий кучлар, иккинчи томондан эса ёвузлик тимсоли бўлган жинлар, иблислар сифатида тасвирланади. Тоғнинг осмон билан алоқасини ифодаловчи тушунчалар луғатларда (тоғ - "баландлик, юксаклик", тоғ - "коинот, самовий макон") ва

илоҳий маросимларда ўз аксини топади.

Фанга маълум энг қадимги ёзма манба ҳисобланган "Авесто"да ҳам тоғларга сиғиниш, уларни муқаддаслаштиришга хос хусусиятлар ўз ифодасини топган. Жумладан, асарнинг Ясна 10-ҳот, 11-бандида келтирилган тоғ номлари ва уларга тегишли таърифларда тоғларни улуғлаш ва илоҳийлаштириш мазмуни сингдирилган: "Шунда бир синалган покиза қуш сени чор атрофга – Упойирий саина тоғи чўққиларига; Старусара тоғи баландликларига; Кусрупата тоғи этакларига; Вийш паса тоғи атрофи ва Спийта гуна тоғи ёнбағрига ёйиб юборади. ...Сенга, эй мардлик соҳиби, яратгучи Мазданинг ўзи Албурз тоғида ҳунар ўргатди [2,54].

Ундан ташқари, китобда Хара ороними ҳам келтирилган бўлиб, у замин куррасини ихота қилган афсонавий тоғ силсиласи эканлиги изоҳда кўрсатилган. Хар-Баразайти атамасининг таржимаси "Юксак хара"дир.

Юксак Хара ёхуд Харати ҳақидаги тушунчалар замирида эҳтимол Помир-Ҳиндикуш тоғлари

О.Бегимов – Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг ўзбек ва рус тиллари кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

ҳақидаги тасаввур ётгандир [2,347].

Тожикистон оронимиясини тадқиқ этган А.З.Розенфельд диний қарашлар билан боғлиқ бир қанча оронимлар тўғрисида тўхталган. Жумладан, Ҳазратишо (муқаддас шоҳ) - бу ном Муҳаммад пайғамбарнинг куёви Ҳазрати Алига тегишли бўлиб, Тожикистоннинг тоғли ҳудудидаги бир қатор чўққи ва тоғларнинг номи сифатида тарқалган; Кўҳи шоҳикалон – буюк шоҳ тоғи (А.З.Розенфельд бу номни Ҳазрати Али номи билан боғлиқ бўлса керак, деб ҳисоблайди) [9,51].

Жанубий Ўзбекистон орографик объектларининг номланишида ҳам диний эътиқод ва тушунчалар, шу асосда келиб чиққан халқ урф-одатлари ҳамда маросимлари, муқаддас, илоҳий деб қаралган нарса, воқеа-ҳодисалар ўзига хос мотивация хусусиятини намоён этади. Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, орообъектларнинг номланишида диний тушунчалар ва тасаввурлар билан боғлиқ қуйидаги компонентлар фаол иштирок этади:

1. Хўжа компонентидан ташкил топган оронимлар: Хўжаалмати (Шаҳрисабз, баландлик), Хўжабарқўҳ (Олтинсой, тоғ), Хўжақиз (Шаҳрисабз, адир), Хўжақўчқор (Бойсун, баландлик), Хўжаҳисор (Бойсун, тепа), Хўжақизил (Шаҳрисабз, қоя), Хўжаақчабурун (Хисор тизмасидаги тоғ).

2. Ота компонентидан ташкил топган оронимлар: Бошқопота (Шаҳрисабз, жой), Бобосултонота (Шаҳрисабз, тепа), Қайрағочота (Шаҳрисабз, жой), Қизмозорота (Шаҳрисабз, жой).

3. Ҳазрат компонентидан ташкил топган оронимлар: Ҳазрати Султон (Шаҳрисабз, тоғ), Ҳазрати Башир (Китоб, тоғ).

Шунингдек, турли диний тасаввурлар ва тушунчалар билан боғлиқ сўзлар воситасида ҳам ясалганлигини кўриш мумкин: Ажиназов (Қамаши, баландлик), Боботоғ (Сурхондарё вил., тоғ), Шайтонқоқ (Китоб, адир). Дулдулнинг изи (Яккабоғ, қир).

Айрим оронимларнинг таркибида ҳозирда ўзбек тилида қўлланмайдиган диний тушунчалар билан боғлиқ архаик элементларни учратиш мумкин. Жумладан, Оқчава (Чироқчи, қишлоқ) топонимида шу хусусиятни кўриш мумкин. Т.Нафасов бу номни оқча+ва шаклидаги компонентларга ажратиб, унинг –ва компоненти аслида уба

шаклида бўлганлигини қайд этган [7,150]. Қирғиз тилида обоо – тош уюми, тош тепа (тоғ устида унинг руҳи шарафига тошни уйиб қилинган кичик тепа), чегара белгиси сифатида қилинган уюм, марза [12,559]. Обото (< уба+ту) – тепа, дўнглик, баландлик, кўрғон [4,161]. Олтой тилининг шимолий диалекти туба-кижи татарлари тилида обоо, обого – тош уюми, тоштепа, тошдан қилинган сунъий баландлик [3,139]. Обалар тоғ чўққилари, тоғларнинг ошиб ўтиладиган жойларида, йўлларнинг туташ ва айрилиш жойларида, ер эгаларига тегишли ҳудуднинг четларига ўрнатилган. Бундай жойлар кейинчалик дин ҳомийлари томонидан муқаддаслаштирилиб, уларга сиғиниш анъанаси вужудга келган [7,159]. Демак, Оқчава топоними дастлаб оқча+уба шаклида вужудга келган бўлиб, номнинг биринчи компоненти - оқча сўзи орографик объект тушунчасини ифодалайди. “Уба” сўзи эса унга баландлик, тепа ёки тоғни илоҳийлаштирувчи, муқаддаслигини ифодаловчи компонент сифатида қўшилган.

Оронимлар таркибида илоҳий, муқаддас тушунчаларни ифодалаб келган сўзлардан бири хўжа ҳисобланади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилишича, бу сўз қуйидаги қўлланиш хусусиятларига эга. Хўжа (форсча – ҳурматли, обрў-эътиборли киши; хўжайин, соҳиб; савдогар; мураббий) 1 эск. Бирор кимсанинг ёки нарсанинг эгаси; хўжайин. 2 тар. Ўзларини чорёрларнинг авлодлари деб ҳисобловчи мусулмонларнинг фахрий номи. 3 этн. Ўрта Осиёда илгари маълум имтиёзга эга бўлган оқсуяклар ва уларнинг авлодлари. 4. Хўжазода эркалар исмига қўшилади [13, 435].

Демак, хўжа компонентидан ташкил топган Жанубий Ўзбекистон оронимларини шу маънолардан келиб чиқиб таҳлил этиш мумкин. Умуман олганда, “хўжа” сўзи номларнинг биринчи компоненти бўлиб келиб, орографик объект тушунчасини ифодаловчи иккинчи компонентнинг муқаддаслиги, буюклиги, илоҳий кучга эгаллиги каби хусусиятларни кўрсатиб келган.

Хўжақиз — Шаҳрисабз туманидаги адир номи (Хитой). Ном таркибида иккинчи компонент бўлиб келган қиз умумтуркий “қуз” сўзининг фонетик ўзгарган шаклидир. Орографик характердаги бу сўз баландлик, тепа; ғўдайиб турган катта тош; қадимий кўрғон харобаларининг тўрт буржидаги

ТИЛШУНОСЛИК

минора қолдиғи каби маъно хусусиятларига эга. Номнинг биринчи компоненти хўжа оронимияда — муқаддас, улуғ маъносини намоён этади. Демак, Хўжақиз — муқаддас тош (тепа, баландлик).

Хўжақўчқор — Бойсун туманидаги баландлик (Сарғамиш). Ҳозирги шаклига кўра ном хўжа+қўчқор сўзларидан ташкил топган. Бу ҳолда қўчқор(қўйнинг эркаги) илоҳийлаштирилгандек тасаввур ҳосил қилади. Қадимги халқларда тотем сифатида уй ҳайвонларининг илоҳийлаштириш ҳодисаси мавжуд. Лекин профессор Т.Нафасов бу оронимнинг келиб чиқишини бошқача изоҳлайди. Унга кўра, ном таркибидаги “қўчқор” сўзи баландлик, тепа тушунчасини ифодаловчи “гудхэр” сўзининг фонетик ўзгарган шакли: гудхэр ~ гудгар~кутқар ~ кутқар > қўчқар ~ қўчқор — баландлик, тепа [7,197]. Тепалик илоҳийлаштирилиб, хўжа сўзи қўшилган.

Шунга ўхшаш Олтинсой тумани (Сина) худудида Хўжабарқўх деб аталувчи тоғ бор. Ясалиш хусусиятига кўра тожикча бўлган бу ном Хўжа+бар+қўх каби уч компонентдан ташкил топган. Номнинг дастлабки ясалиши Барқўх шаклида бўлган ва у баланд, юсак тоғ маъносини ифодалаган. Аслида Барқўх номининг ўзида тоғни илоҳийлаштириш, муқаддаслаштириш тушунчаси мавжуд бўлган. Лекин кейинчалик аҳоли ўртасида номнинг асл маъноси хиралашганидан бўлса керак, унга хўжа сўзи қўшилган. Шундай қилиб, у Хўжабарқўх, яъни муқаддас Барқўх шаклида атала бошланган. Фарғона вилояти худудидаги Тахти Сулаймон тоғининг XVI асргача бўлган қадимги номи ҳам Барақўх бўлган. Кейинчалик унинг номи ҳам муқаддаслаштирилиб, Сулаймон пайғамбар номи билан Тахти Сулаймон деб атала бошланган.

Бойсун туманидаги Хўжадовудтепа оронимида ҳам шундай хусусиятни кўриш мумкин. Бу ном Хўжа+Довуд+тепа компонентларидан ташкил топган бўлиб, унинг асосий қисми Хўжа Довуд, тепа орографик объект турини ифодаловчи индикатор. Бу ороним Довуд пайғамбар номи билан боғлиқ.

Шаҳрисабз тумани(Аччиғи)да Хўжақизил номли қоя бор. Шаклига кўра, ном хўжа+қизил сўзларидан ташкил топган. “Қизил” сўзи қоянинг тупроғи рангини ифодалайди. Дастлаб қоя кўриниши, ранг-

тусига кўра номланган. Кейинчалик, орографик объект(қоя) илоҳийлаштирилиб, унга хўжа компоненти қўшилган. Демак, Хўжақизил – муқаддас қизил қоя.

Хўжаҳисор — Бойсун т. тепа (Хамком). Оронимияда хўжа — муқаддас, ҳисор — арабча қалъа, кўрғон, яъни хўжаларнинг кўрғони, хўжалар яшаган қалъа; муқаддас кўрғон. Назаримизда, хўжа сўзи қўшилиб, илоҳийлаштириш жараёни кейинчалик, яъни қалъа ёки кўрғон давр ўтиши билан емирилиб, тепа кўринишини олгандан сўнг содир бўлган.

Ҳисор тизмасида Хўжаақчабурун номли тоғ мавжуд. Бу ном тузилишига кўра хўжа+ақча+бурун каби компонентлардан ташкил топган. Кўринишидан бу ном уч ясалиш босқичини босиб ўтган: Ақча – Ақчабурун – Хўжаақчабурун. Унинг тўлиқ аталиши Хўжаақчабурун тоғи. Дастлаб, яъни биринчи босқичда, ном Ақча(оқ+ча) шаклида бўлган: оқ - орографик объект(тоғ)нинг ранги-тусини ифодаласа, -ча қўшимчаси орографик объект(тоғ) тушунчасини ифодалаган. Кейинги босқичда маҳаллий аҳоли томонидан орографик объектнинг турини характерловчи бурун индикатори қўшилган ва у Ақчабурун кўринишини олган. Мазкур орографик объект(тоғ)ни муқаддаслаштириш, илоҳийлаштириш ҳодисаси, эҳтимол, дастлабки номланишда (Хўжаақча) содир бўлгандир, кейинчалик унга бурун индикатори қўшилиб, Хўжаақчабурун шаклини олган бўлиши мумкин.

Диний тасаввурлар замирида яратилган оронимлардан бири Қамаш туман(Кўкабулоқ) Ажиназов (баландлик)дир. Бу ороним шаклига кўра ажина+зов компонентлардан ташкил топган. Бу номнинг келиб чиқиши ва талқинига нисбатан икки хил ёндашув мавжуд. Биринчиси, диний тушунча ва тасаввурлар замирида келиб чиққан. Унга таяниб талқин қиладиган бўлсак, орографик объект(зов)нинг белги-хусусиятини кўрсативчи ажина сўзи араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган жин сўзининг синиқ кўплик шакли. Жин – (а. афсонавий махлуқ; арвоҳ; ёвуз руҳ) 1. Шарқ мифологиясида ва диний тасаввурларга кўра: пастқам жойларда киши кўзига одам тимсолида кўриниб, гўё уни бирор дард-иллатга чалинтириб (мас, оғзини қийшайтириб) кетадиган афсонавий махлуқ (13, 1-том, 280). Демак, Ажиназов – ажина,

яъни жинлар макон қурган зов маъносида тушуниш мумкин. Иккинчи талқинга кўра орографик объект(зов) ҳажмига қараб номланган. Бунга кўра ном таркибида биринчи компонент бўлиб келган ажина сўзи арабча жин сўзининг бошқа бир маъносидан келиб чиққан. Маълумки, жин сўзи ўзбек тилида кичкина, тор маъноларида ҳам қўлланади. Масалан, жин кўча – тор кўча. Шунга кўра, Ажиназов – кўлами кичик, тор, тик зов(жарлик). Ном аслида зов(жарликнинг бир тури) номи сифатида вужудга келган бўлиб, кейинчалик орографик объектнинг бошқа тури(баландлик) номига ўтган.

Шаҳрисабз туманида Бошқопота (баландлик), Мишонота (жой); Китоб туманида Оқота (тоғ), Оқота (чўққи); Косон туманида Тайлоқота (Қўнғиртоғнинг ғарбий томонидаги қир) оронимлари таркибида – ота компоненти учрайди. Оронимлар ва гидронимлар таркибида индикатор вазифасида келган бу сўз, ҳозирги шаклига кўра, “улуғ, муқаддас” маъноларини касб этиб, мазкур объектларни илоҳийлаштириш тушунчасини ифодалайди. Умуман олганда, - ота компонентли топонимлар қайси объектнинг номи сифатида вужудга келганлигига қараб махсус тадқиқ этишни талаб этади. Чунки -ота компонентли топонимларнинг ареали кенг бўлиб, улар Ўрта Осиё, Афғонистон, Қирғизистоннинг жануби–шарқий томонидаги узоқ жойларда, яъни Хитойнинг Кошғар тоғ тизмаларида – Мустоғ ота йирик чўққиси номида кўриш мумкин. В.А. Никонов -ота компоненти тўғрисидаги баҳсни биргина оронимлар мисолида ҳал этиб бўлмайди, деган фикрни илгари сурган эди. Бу сўз бошқа объектлар, айниқса, гидронимлар таркибида ҳам учрайди [8,98]. Н. Попова -ота компонентли гидронимлар культ билан эмас, балки ата – «тез оқмоқ» архаик феъли билан боғлиқ, деган гипотезани илгари сурган [8,98].

Биз оронимлар таркибида учрайдиган - ота компонентини “дўнглик, баландлик; сув ичидаги баланд жой, орол” маъносидаги о:та ~ а:да сўзи билан боғлиқ, деб ўйлаймиз. Мисоллардан кўринадик, ота сўзи оронимларнинг иккинчи компоненти бўлиб келиб, мазкур объектни илоҳийлаштириш, муқаддаслаштириш мазмунини ифодалаб келган. Шунингдек, Чироқчи туманидаги Увада топоними таркибида ҳам шу компонент сақланган: Ува+да < Ува + а:да ~

Ува+о:та. Аслида номнинг биринчи компоненти бўлган ува сўзининг ўзида ҳам илоҳийлик тушунчаси мавжуд. Бу сўзнинг этимологияси тўғрисида биз юқорида тўхталган эдик. Кейинчалик бу сўз ўз маъносини йўқотганидан сўнг унга яна илоҳийлик тушунчасини ифодаловчи – ота компоненти қўшилган бўлса керак. Бу компонентнинг оронимлар таркибида келиши кишиларнинг қадимда тоғ-тошларни илоҳийлаштириши, уларга сиғиниши билан боғлиқ.

Ҳисор тоғ тизмасидаги Ҳазрати Султон чўққиси мавжуд. Бу чўққи Ўзбекистондаги энг баланд чўққи ҳисобланади. Айтишларича, бу ном Аҳмад Яссавий ҳазратлари шарафига қўйилган. Лекин номнинг келиб чиқиши бу улуғ зот билан қандай боғлиқлиги тўғрисида бир нима дейиш қийин. Нима бўлганда ҳам, бу номнинг келиб чиқиши замирида чўққининг юксаклиги, буюклиги тушунчаси ётади. Назаримизда, унинг шу хусусияти сиғиниш, илоҳийлаштириш тушунчасини ўзида акс эттирган ҳазрат сўзининг қўлланишига сабаб бўлган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилишича, аслида арабча (жаноб, ҳурматли) бўлган ҳазрат сўзи уч хил маънода қўлланилади: 1. дин. Оллоҳ, пайғамбар каби муқаддас зотларни, шунингдек, дин арбобларини улуғлаш учун уларнинг исми олдидан қўлланади; кимсанинг мартаба, вазифасини билдирувчи сўз билан ёки ўзи алоҳида ҳам қўлланади. 2. Подшоҳ, хон, бек каби олий даражали мансабдорларни улуғлаш учун “жаноб олийлари” маъносида ишлатилади. 3. Илм-фан, санъатда шуҳрат қозонган буюк кишиларни улуғлаш учун ва умуман, ҳурматни ифодалаш учун тахаллус ёки номларга қўшиб ишлатилади [13,481].

Китоб тумани Ҳисор тоғ тизмасидаги Қорасочойим чўққиси мавжуд. Назаримизда, бу номда муқаддас аёл культини кўриш мумкин. Қирғизлар этнографиясини ўрганган С.М.Абрамзоннинг фикрича, қадимги туркий маъбуда Умай эна (она) тимсоли нафақат Саян-Олтой халқлари, балки Ўрта Осиё халқлари - қирғизлар ва ўзбекларнинг эътиқодида ҳам сақланиб қолган. Генетик жиҳатдан қадимги туркий, олтой, қирғизларда Умай, ўзбекларда Анбар она, ёқутларда Айсит бир хил тимсолнинг турли хил кўринишларидир.

Маълумотларга кўра, Умай она ерга ташриф буюрганида баъзи тоғ ва тошларда

ТИЛШУНОСЛИК

унинг излари сақланиб қолган. У Умай она тоғи дейилади. Қирғиз доялари ва афсунгар (эмчи)лар Ума онага мурожаат қилиб, туғиш пайтида ва болаларни даволашда афсун айтишиб, “менинг қўлим эмас, Умай энанинг қўли”, дейишган [1,184].

Шунга ўхшаш, Қорасочойим номида ҳам қадимги халқларнинг ўзига хос эътиқодлари рамзи сифатида тоғларга аёл, она тимсолида муқаддаслаштириш, сиғиниш аломатларини кўриш мумкин.

Яккабоғ туманида Дулдулнинг изи номли қир бор. Дулдул (а. жайра) 1. Диний ривоятларга кўра, Муҳаммад пайғамбар минган ва кейинчалик ҳазрат Алига тортиқ этган учар отнинг исми ёки лақаби. 2. Кўчма. Келишган, чиройли, учқур от [13,658]. С.П.Толстов Дулдул культининг айниқса Хоразмда кенг тарқалганлигини қайд этади. Хусусан, Амударёнинг устидан “Дулдул ҳатлаган”, деган қарашлар билан боғлиқ афсоналар Хоразмнинг жанубий чегаралари

билан боғлиқ ҳудудларда кўп учраб, бу ердаги қадимий қадамжолар мусулмонларнинг зиёратгоҳларига айланганлиги айтилади [10,206]. Шунингдек, Дулдул култи билан боғлиқ қадамжолар Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам учрайди. Демак, Дулдулнинг изи номининг келиб чиқишига орографик объект(қир)да мавжуд из шаклини илоҳийлаштириш асос бўлган.

Шундай қилиб, Жанубий Ўзбекистон оронимларининг вужудга келишида диний эътиқод ва тушунчалар ва шу асосда келиб чиққан халқ урф-одатлари ҳамда маросимлари, муқаддас, илоҳий деб қаралган нарса, воқеа-ҳодиса ва жойларни ифодаловчи сўзлар воситасида яратилган оронимлар ҳам ўзига хос ўрин тутаяди. Уларни тарихий-лисоний аспектда тадқиқ этиш нафақат тил тарихи, балки эл тарихи ва этнографияси учун ҳам муҳим маълумотларни беради.

Адабиётлар:

1. Абрамзон С. М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. — Ф.: Кыргызстан, 1990.
2. Авесто (Тарихий-адабий ёдгорлик). — Т.: “Шарқ” нашриёти, 2001.
3. Баскаков Н.А. Диалект черневых татар (туба-кижи). — М., 1966.
4. Батманов И.А. Современный киргизский язык. I. Фрунзе, 1953.
5. Левкиевская Е. Е. Гора. // Славянские древности. Т.1. — М., 1995.
6. Мурзаевы Э. и В. Словарь местных географических терминов. — М., 1959.
7. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимияларининг изоҳли луғати. —Т.: Ўқитувчи, 1988.
8. Никонов В.А. Заметки по оронимии Киргизии. — В сб.: Ономастика Средней Азии. — М., 1978.
9. Розенфельд А.З. “Оронимы юго-восточного Таджикистана”. Оронимика (Сборник статей), — М., 1969.
10. Толстов С.П. Древний Хоразм. Опыт историко-археологического исследования. — М.: Издание МГУ, 1948.
11. Топоров В. Н. Гора. Мифы народов мира. Т. 1. — М., 1991.
12. Юдахин К.К. Киргизско-русский словарь. — М., 1965.
13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А. Мадвалиев таҳрири остида (2006-2008). Ziyouz.com kutubxonasi.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор).